

САБР ҲАҚИДА

05:00 / 28.02.2017 23665

Сабр сўзининг маъноларидан бири танглик ила ўзини тутиб туришдир. Ушбу мақомда биз учун сабрнинг худди шу маъноси керак.

Сабрнинг истилоҳий маъноси ҳақида уламолар бир бирини тўлдирувчи бир неча таърифларни айтганлар: **Роғиб:** «Сабр нафсни ақл ва шариат тақозо қилганидек тутиб туришдир ёки иккиси тақозо қилган нарсадан тутиб туришдир», деган. **Муновий:** «Сабр ҳиссий ва ақлий оғирлик ва аламларга чидашдир», деган.

Сабрнинг таърифида айтилган гаплардан:

- Сабр нафсни қайғу ва аччиқланишдан, тилни шикоятдан ва аъзоларни ташвишдан тутиб туришдир.
- Сабр нафсининг фозил ахлоқларидан бири бўлиб, қилиниши яхши ва гўзал бўлмаган нарсалардан сақланишдан иборатдир.
- Сабр Қуръон ва Суннат аҳкомларида собит туришдир.
- Сабр бало етганда гўзал одоб ила туришдир.
- Сабр изтироб пайтида қалбнинг собит туришидир.

Сабрнинг турлари:

Ҳилмий айтади: «Сабр уч турлидир: Жабборнинг тоатига сабр қилиш. Жабборнинг маъсиятидан сабр қилиш. Жабборнинг имтиҳонига сабр қилиш».

Ибн Қаююм айтади: «Сабр ўзи боғланган нарса эътиборидан уч қисмга бўлинади: Амр ва тоатларни адо этишга сабр. Наҳий ва хилофларни қилмасликка сабр. Қазои қадарларга рози бўлишга сабр».

Ферузободий айтади: «Сабр уч турлидир: Аллоҳга сабр. Аллоҳ билан сабр. Аллоҳ учун сабр».

Аллоҳ таоло сабрни Қуръони Каримда бир юз учта оятда зикр қилган. Қуйида ўша оятларда баъзиларини намуна учун қисқача ўрганамиз.

1. Тоатларга сабр қилиш ҳақидаги оятлардан.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: «**Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг. Ва, албатта, у нафси синиқлардан бошқаларга жуда катта ишдир**», деган (45-оятлар).

Биз, ёрдам сўранг, деб таржима қилган ибора араб тилида «истаъийну» деб келган. Бу сўзнинг маъноси бир ишга уриниб туриб, яна қўшимча ёрдам сўрашни англатади.

Демак, мусулмон киши ҳар бир ишга астойдил уринади ва шу уриниш билан бирга, Аллоҳдан ёрдам сўрайди. Сабр ҳам, кўпчилик хаёл қилганидай салбий маънода, яъни, нима бўлса ҳам сабр қиялпман, деб жим-ҳаракатсиз туриш эмас, балки Аллоҳнинг айтганини бажариш жараёнида дуч келадиган машаққатларни енгишдаги сабрдир.

Энг бош сабр ҳавою нафсни, роҳат-фароғатни, мансабни тарк қилиб, Аллоҳнинг айтганига юришга чидамдир.

Намоз эса, бандани Аллоҳга боғлаб турувчи нарса бўлиб, инсон намоз орқали қувват, матонат, чидам ва бардошга эришади. Пайғамбар алайҳиссалом қачон бошларига қийин иш тушса, намоз ўқишга шошилар эдилар.

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида: **«Ёки Аллоҳ сизлардан жиҳод қилганларни билмасдан ва сабрлиларни билмасдан туриб, жаннатга кираверамиз, деб ҳисоблайсизми?!»** деган (142 - оят).

Аллоҳ таоло ушбу оятда мусулмонларнинг ғалаба ва мағлубият, мукофот ва жазо ҳақидаги тасаввурларини тўғриламақда. Олий мақсадларга, жаннатга эришиш осон эмаслигини баён қилмоқда. Ҳа, албатта, бу йўл қийинчилик ва машаққатларга тўла. Мақсадга эришиш учун ўзидаги ҳамма имкониятларни охиригача ишга солиш керак.

Аммо бунинг ўзи кифоя қилмайди. Балки сабр ҳам лозим. Сабр ғалабага эришгандан сўнг ўз бурчини адо этиш вақтида ҳам зарур.

Шунинг учун ҳеч бўшашмаслик ва хафа бўлмаслик керак. Ҳақ йўлини билгандан кейин, қанчалик қийин бўлмасин, ундан собит қадамлар билан бориш лозим.

Аллоҳ таоло «Тоҳа» сурасида: **«Аҳлингни намозга амр эт ва ўзинг унга сабр қил. Биз сендан ризқ сўрамасмиз. Биз сенга ризқ берамиз. Оқибат тақвоникидир»**, деган (132- оят).

Мусулмоннинг бурчи аҳлини, оиласини мусулмон қилишдир. Бу ишда намоз муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун аҳлингни, оила аҳзоларингни намоз ўқишга буюр. Ўзинг ҳам сабр ила намозда бардавом бўл ва аҳлингни намозга ундашда давом эт.

2. Бало - синов - ларга сабр қилиш ҳақидаги оятлардан: Аллоҳ таоло «Муҳаммад» сурасида: **«Ва таъкидки, Биз сизларни синармиз, токи сизлардан мужоҳидларни, сабрлиларни билсак ва хабарларингизни имтиҳон этсак»**, деган (31 - оят).

Албатта синов кўп нарсаларни ошкор қилади. Синов бўлмай, ҳама иш

равон кетаверса, одамлар бир-бирларининг ҳақиқатини била олмайдилар. Ким ҳақиқий мўмин, ким мунофиқлиги ҳам аён бўлмайди. Аксинча, синов йўқ пайтида мунофиқлар олдинги сафга чиқиб, ўзларини фидокор қилиб кўрсатадилар. Худди шу маънога оятнинг давомида ишора қилинмоқда.

«...токи сизлардан мужоҳидларни, сабрлиларни билсак ва хабарларингизни имтиҳон этсак».

Билгандан сўнг ундан ўз ўрнида фойдаланиш керак. Гоҳ хурсандлик, гоҳ хафалик, гоҳ енгиллик, гоҳ оғирлик, гоҳ бахтиёрлик, гоҳ мусибат билан синов ўтиши инсон руҳидаги, нафсидаги ўша беркитилган нарсаларнинг ошкор бўлишига ёрдам беради. Инсонларнинг бу нарсаларни англаши келажак ҳаётларида ёрдам беради.

Аслида мўмин банда синов ва имтиҳонни орзу қилмайди, балки Аллоҳдан доимо офият ва раҳматни сўрайди. Шундан сўнг ҳам синов-имтиҳонга учраса, сабр қилади. Бунинг ҳикмати борлигини идрок қилади, ҳамма нарса Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишига иймон келтиради. Ўзига Аллоҳнинг раҳмати ва офияти етишини кутади.

Аллоҳ таоло «Луқмон» сурасида: **«Эй ўғилчам, намозни тўқис адо қил, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар ва ўзингга етган мусибатга сабр қил. Албатта, булар азм этилажак ишлардандир»**, деган (17 - оят).

Мўмин-мусулмон одам гоҳида қаршиликка учрайди. Одамлардан унга турли озорлар етади. Шундай ҳол рўй берса:

«...ўзингга етган мусибатга сабр қил».

Сабр қилмасанг, иш битмайди.

Мўмин бандга амр қилинган ишлар азму қарор билан адо этилиши лозим бўлган аҳамиятли ишлардир. Шунинг учун ҳам уларни адо этишда сабр керак бўлади.

Аллоҳ таоло «Зумар» сурасида: **«Сен (Менинг тарафимдан): «Эй иймон келтирган бандаларим, Роббингизга тақво қилинг. Бу дунёда гўзал амал қилганларга гўзаллик бордир. Аллоҳнинг ери кенгдир. Албатта, сабр қилгувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлиқ берилур»**, деб айт», деган (10 - оят).

Баъзи уламоларимиз, сабр қилувчиларга ажрлари берилаётганда, ҳисоблаб ўтирмасдан, улгуржи бериб юборилади, деб таъвил қилганлар.

3. Сабр набий ва солиҳларнинг сиймосидир.

Аллоҳ таоло «Анбиё» сурасида: **«Ва Исмоил, Идрис ва Зул-кифлни эсла. Уларнинг ҳар бири сабр қилгувчилардандир. Ва уларни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир»**, деган (85 - 86 - оятлар).

Бу ерда Исмоил алайҳиссаломнинг сабр-тоқатларига алоҳида урғу берилмоқда. Исмоил алайҳиссалом ҳақиқатда юқори даражада сабр намуналарини кўрсатганлар. У киши ўсимлик ўсмайдиган саҳроларда сабр қилиб ўсганлар. Байтуллоҳни қуришда оталари Иброҳим алайҳиссаломга сабр ва матонат билан ёрдам берганлар. Ўзларини қурбонлик учун сўйиш амри келганида ҳам сабр қилганлар.

Идрис алайҳиссалом ҳам қавмларининг кирдикорларига сабр қилганлар. Ушбу оятда ҳам у кишининг сабр сифатлари ёд этилмоқда.

Зул-кифл алайҳиссалом ҳам сабр қилгувчилар қаторига қўшилмоқдалар.

Сабрлари туфайли Аллоҳ таоло уларни ўз раҳматига киритди. Яхшиликлар ато этди. Улар аҳли солиҳлардан бўлдилар. Шунинг учун ҳам Қуръонда зикр қилинмоқдалар.

Аллоҳ таоло «Аҳқоф» сурасида: **«Бас, азму матонат соҳиби бўлган Пайғамбарлар сабр қилгандек, сабр қил, уларга (азоб етишига) шошилма! Улар ваъда қилинган нарсани кўрганларида худди (бу дунёда) кундуздан бир лаҳзагина турганга ўхшарлар. Бу етказишдир! Бас, фақат фосиқ қавмларгина ҳалок қилинур, холос!»**, деган (35 - оят).

«Улул азм», яъни азму матонат соҳиби бўлган Пайғамбарлар - Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо алайҳиссаломлардир. Бу буюк Пайғамбарларнинг ҳар бирларининг бошларига иймон йўлида, дину диёнат йўлида қанчадан-қанча кулфатлар ёғилган. Лекин улар сабр матонатда зарбулмасал бўлганлар.

Бу ҳақиқатни кўпчилик, жумладан, Муҳаммад алайҳиссалом ва у зотнинг умматлари ҳам яхши биладилар. Шунинг учун ўз даврларида Макка мушрикларининг қаршиликларига учраб қийин ҳолга тушганларида «Улул азм» номини олган буюк Пайғамбарлардан ўрнак олишга чақирилаяптилар.

«Бас, азму матонат соҳиби бўлган Пайғамбарлар сабр қилгандек, сабр қил, уларга (азоб етишига) шошилма!»

У зоти бобаракот бу илоҳий амрга амал қилдилар ва ўзлари ҳам «Улул азм» Пайғамбарлар сафидан ўрин олишга муяссар бўлдилар.

Сабр ҳақида келган ҳадислардан намуналар

Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ўзи эшитган озорга сабр қилишда Аллоҳ таолога тенг келадиган бирор зот йўқ. Улар У зотга тенгдош қилурлар. Улар У зотга бола қилурлар. Шундоқ бўлса ҳам У зот уларни ризқлантирур ва афв қилур»*, дедилар». Икки шайх ривоят қилган.

Ўзига озор берганларнинг қилмишларига сабр қилиш ва уларни афв қилиб юбориш Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири экан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг хулқи ила хулқланинглари» деганлар. Мўминлар ҳам имкони борича бу хулқни ўзлаштириб олмоқлари лозим.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: тақсим қилдилар. У зот баъзи тақсимларига ўхшатиб тақсим қилдилар. Шунда ансорлардан бир киши: «Аллоҳга қасамки, бу тақсимлашда Аллоҳнинг розилиги ирода қилинмади», деди.

Бас, мен «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар бераман» дедимда у зотнинг ҳузурларига бордим. У зот ўз саҳобалари билан эканлар. Мен у зотга у айтган гап ҳақида сир равишда хабар бердим. Бу у зотга оғир ботди. У зотнинг юзлари ўзгариб, ғазаблари чиқиб кетди. Ҳатто мен «у зотга хабар бермасам бўлар экан» дедим. Сўнгра у зот: «Аллоҳ Мусони раҳмат қилсин! У бундан ҳам кўпроқ озор еб сабр қилган эди», дедилар. Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.

Бу ривоятда номи зикр қилинмаган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:га қаттиқ озор берган одам Меътаб ибн Қушайр номли мунофиқ эди.

Ушбу ҳадиси шарифнинг бошқа ривоятини ҳам ўргансак тўлиқроқ маълумот олсак ажаб эрмас.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Хунайн куни бўлганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тақсимлашда баъзи одамларни устун қўйдилар. У зот ал-Ақраъ ибн Ҳобисга юзта туя бердилар. Уяйнага ҳам шунча бердилар. Арабларнинг ашрофларидан баъзиларига ҳам бердилар ва уларни ўша куни тақсимлашда устун қўйдилар. Шунда бир киши: «Аллоҳга қасамки, бу тақсимлашда адолат қилинмади. Бунда Аллоҳнинг розилиги ирода қилинмади», деди.

Бас, мен «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар бераман» дедимда у зотнинг ҳузурларига бориб у айтган гап ҳақида хабар бердим.

У зотнинг юзлари ўзгариб тери бўяладиган қизил қонга ўхшаб кетди ва: «Агар Аллоҳ ва Унинг Расули адолат қилмаса, ким адолат қилади?! Аллоҳ Мусони раҳмат қилсин! У бундан ҳам кўпроқ озор еб сабр қилган эди», дедилар.

Шунда мен «Бундан кейин у зотга гап кўтариб келмасам бўлар экан» дедим». Муслим ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: қалбларини улфат қилиш лозим бўлган кишиларга ўлжадан кўп нарса берган эдилар. Уларнинг ичида ушбу

ривоятда номлари зикр қилинган ал-Ақраъ ибн Ҳобис, Уяйна ва бошқа задогонлар бор эди. Тақсимлашдаги ҳикматни англаб етмаган Меътаб ибн Қушайр номли мунофиқ бу ишда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни адолатсизликда айблашга бориб етди. Аммо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: ушбу тақсимлаш айни адолат эканини ва ҳалиги танқидчининг гапи озор эканини баён қилдилар. У зот ўзларига озор берган одамни жазолашга қодир бўлсалар ҳам сабр қилиб уни афв этдилар.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ ато берилмаган», дедилар»*. Бешовлари ривоят қилган.

Ушбу ривоят Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узун ҳадисларидан олинган иқтибосдир. Мазкур ҳадисда шулар айтилади:

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Ансорийлардан бир қанча одамлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (мол) сўрадилар. Бас, У зот уларга бердилар. Сўнгра яна сўрадилар. Яна бердилар. Сўнгра яна сўрадилар. Яна бердилар. Ҳаттоки, ҳузурларидаги нарса қолмади. Шунда У зот: «Ҳузуримда не яхшилиқ бўлса, сизларга бермай олиб қолмасман. Ким ифбат талаб бўлса, Аллоҳ уни ифбатли қилур. Ким беҳожатлик талаб қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилур. Ким сабр талаб қилса, Аллоҳ уни сабрли қилур. Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ ато берилмаган», дедилар»*. Бешовлари ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиси шарифда мусулмон инсон ўзига берилган ризқ қанча бўлса, ўшанга чидаб, қаноат ҳосил қилиб юриши яхши эканлиги тарғиб қилинган. Мусулмон инсон турмушни яхши таъмин қилиш учун имкониятидаги барча ҳалол воситаларни ишга солиб, ҳаракат қилаверади. Аммо, ризқ бериш Аллоҳдан эканини ҳеч қачон унутмайди. Шунинг учун ўзига берилган ризқ-насиба Аллоҳнинг иродаси ила бўлган, деб билади. Оз бўлса норози бўлмайди, кўп бўлса ховлиқиб кетмайди. Чунки, Аллоҳнинг иродасига қарши чиқиш мусулмон одам учун тўғри эмас.

Мазкур ривоятлардан мусулмон инсон ўзига берилган ва берилмаган ризққа нисбатан қандоқ тутмоқлиги лозимлиги ҳақида бир неча кўрсатмалар бермоқда:

Ифбатли бўлиш

Ўзи учун бировнинг молидан умидвор бўлишни ор деб, билиш. Ким ўзини ифбатли тутишга уринса Аллоҳ таоло уни ифбатли қилиб қўйиши турган

гап.

Ўзида бировнинг сариқ чақасига ҳам эҳтиёжи йўқлигини изҳор қилиш.

Бундай одамни Аллоҳ таоло кўзини тўқ қилиб қўяса, ундан ҳеч бир очкўзлик содир бўлмас экан.

Кам бўлса ҳам ўзига берилган ризққа сабр қилиш.

Сабр Аллоҳ таоло томонидан бандага инъом этилган энг катта ва кенг ато ҳисобланади. Сабрли киши ризқнинг озига ҳам, йўқчиликка ҳам чидаб ўзини хор қилмай, бошини тик тутиб кун кўради. Сабр неъматидан бебахра банда эса дунёнинг ярмига эга бўлса ҳам, тийиннинг устида умбалоқ ошиб ўзини хор қилади, очкўзлигини билдириб қўяди.

Мусулмон одам унга Аллоҳ томонидан берилган етарли ризққа сабр қилиб қаноатли бўлиб ўтса, дунёдаги энг катта нажотга эришган шахс бўлар экан.

Ҳақиқий бойлик молу-дунёнинг кўплигида эмас, нафснинг тўқлигидадир.

Ушбу таълимотларни ҳар бир мусулмон яхшилаб ўрганиб, ўзига сингдириб олиши ва ҳаётга татбиқ қилиши лозим. Ана шундагина орамизда беш танга пул куйига тушиб одам ўлдирадиганлар, ўғрилиқ, порахўрлик, рибохўрлик қиладиганлар, фирибгарлик, алдамчилик, ёлғончилик ва бошқа разолатларни қиладиганлар қолмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Одамларга аралашиб, уларнинг озорларига сабр қилган мусулмон уларга аралашмайдиган ва озорларига сабр қилмайдиган мусулмондан яхшидир», дедилар*». Термизий ривоят қилган.

Бундан одамларнинг озоридан кўрқиб уларга аралашмай қўйиш дуруст эмаслиги чиқади. Одамларга аралашиб уларнинг озорларига сабр қилган одам савоб олади. У ўша аралашishi давомида уларга яхшилик ҳам қилиб юрган бўлади. Одамларга аралашмаган киши эса кўпчиликка фойда етказишдан бош тортган бўлиши мумкин.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтадилар: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирсам, у зот беморликдан қийланаётган эканлар.*

«Эй, Аллоҳнинг Расули, сиз беморликдан қаттиқ қийланмоқдасизку?!» дедим.

«Шундоқ. Албатта, мен беморликдан сизлардан икки кишининг қийланганича қийланурман», дедилар.

«Сизга икки ҳисса ажр бўлиши учун шундоқдир-да?» дедим.

«Шундоқ. Худди шундоқ. Қай бир мусулмонга бирор мусибат етса, бирор

तिकон кирса ҳам, албатта, Аллоҳ унинг сабабидан ўша банданинг ёмонликларини худди дарахт ўз баргларини тўкканидек тўкадир», дедилар У зот». Икки Шайх ривоят қилишган.

Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган узун ҳадисда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам жумладан: «Сабр зиёдир», деганлар. Муслим, Термизий ва Насаийлар ривоят қилган.

«Зиё» бир жисмнинг ўзидан чиққан ёруғликдир. Мисол учун, қуёшдан чиққан ёруғлик «зиё» дейилади.

Бир жисм ўзидан бошқадан олган ёруғликни қайтариб чиқарса, «нур» дейилади. Мисол учун, ой қуёшдан олган ёруғликни қайтариб таратгани учун «ой нури» дейилади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «У қуёшни зиё, ойни нур қилган зотдир», деган. Зиё нурдан кучли бўлади.

Сабрнинг зиё бўлиши, Аввало, инсон сабр ила маъсиятлар зулматидан чиқади. Қолаверса, сабр бора-бора мўмин инсон қалбидаги зиёга айланади. Чунки Аллоҳнинг дини ва тоати йўлидаги қийинчиликларга сабр қиладиган одамнинг қалбида зиё пайдо бўлади. Ўша зиё ибодатлар ва турли машаққатларнинг янглиш йўлини унга ёритиб беради.

Шунингдек, сабрнинг зиёси мўмин кишига қабрида ҳам, қиёмат кунда ҳам фойда беради.

Кўпчилик орасида сабр тушунчаси нотўғри талқин қилинади. Сабр деганда, биров томонидан қилинган зулмга жавоб бермай, жим туриш тушунилади. Аслида эса бу сабр эмас, қўрқоқликдир. Сабр эса ижобий тушунчадир.

Исломда сабр дейилганда Аввало, иймон-эътиқод, дину диёнат йўлида қийинчиликларга сабр қилиш тушунилади. Аллоҳнинг амрини бажариш, қайтарганларидан қайтишга нафсни мажбур қилиб, чидатиш тушунилади.

Сабр деганда, Аллоҳнинг калимаси ер юзида ҳамма калималардан устун бўлиши учун кураш қийинчиликларига дош бериш назарда тутилади. Ислом дини адолатидан бутун дунёни баҳраманд қилиш учун олиб бориладиган даъват машаққатларига чидаш, ҳалол, пок юриш, яшаш ва ишлаш қийинчилигига чидашни сабр дейилади.

Сабрнинг фойдаларидан

1. Сабр оғир вазиятларда нафсни тутишга ёрдам беради.
2. Сабр моддий ва маънавий талабларни амалга оширишда шошилиш ва қўполликни олдини олишга ёрам беради.

3. Сабр ғазабни кўзғайдиган нарсалар содир бўлгандан ўзни тутиб олишга ёрам беради.
4. Сабр хавф туғилганда ўзини ўнглаб олишга ёрдам беради.
5. Сабр тамагирлик кўзийдиган вазиятларда ўзини ўнглаб олишга ёрдам беради.
6. Сабр моддий ва маънавий яхшиликларга эришиш йўлида йўлиқадиган жисмоний ва руҳий машаққат ва аламларга чидашда ёрдам беради.
7. Сабр иймон баркамоллиги ва Ислом гўзаллиги далилидир.
8. Сабр қалбда ҳидоят ҳосил қилишга ёрам беради.
9. Сабрнинг самараси Аллоҳ таолонинг ва одамларнинг муҳаббатидир.
10. Сабр ер юзида тамкин топиш сабабчисидир.
11. Сабр жаннатга эришиш ва дўзахдан қутилишдир.
12. Сабр Аллоҳ таоло билан бирга бўлишдир.
13. Сабр қиёмат кундаги катта кўрқинчдан омонликдир.
14. Сабр мардлик ва яхши оқибатнинг аломатидир.
15. Сабр Аллоҳ таолонинг раҳмати ва баракотидир.

САБРНИНГ ТУРЛИ ИСМЛАРИ

Сабр икки хил бўлади:

Биринчиси: Баданий сабр.

Бунда қийинчиликларни бадан ила чидалади.

У феълий - амалий бўлиши мумкин. Мисол учун, оғир ва машаққатли ишларни ва ибодатларни чидам ҳамда сабот билан адо этиш.

Яна баданиига етган оғирликни кўтариш билан ҳам бўлади. Мисол учун калтакка, оғир беморликка ёки жароҳатга чидаш.

Мазкур турдаги сабр шариатга мувофиқ бўлса, мақталган иш бўлади.

Иккинчиси: Маънавий сабр.

Бунда табиати тортган ва ҳавойи нафси иштаҳа қилган нарсаларга сабр қиилнади. Манашу сабр энг кучлисидир.

Худди шу сабр ўзи боғлиқ бўлган нарсага қараб турли исмлар билан аталади:

- Агар қорин ва фарж шаҳватига сабр қилиш бўлса ифбат деб номланади.
- Агар дод - вой қилмасдан мусибатга чидаш бўлса, сабр дейилади.

- Агар бойликни кўтариш бўлса, ўзини тутиб олиш дейилади.
- Агар замон қийинчилигига инжиқлик қилмаслик бўлса, бағри кенглик дейилади.
- Агар майишатпарастликдан юз ўгириш бўлса, зуҳд дейилади.
- Агар оз насибага сабр қилиш бўлса, қаноат дейилади.

САБРНИНГ ҚИСМЛАРИ

Баъзи орифлар, сабрнинг мақоми учтадир, демишлар:

Биринчи мақом шахватни тарк қилишдан иборат бўлиб, уни тавба қилувчилар даражаси дейилади.

Иккинчи мақом тақдир қилинган нарсага рози бўлишликдан иборат бўлиб, уни зоҳидлар даражаси дейилади.

Учинчи мақом Роббисининг унга нима қилса шунга муҳаббат қилишдан иборат бўлиб, уни сиддиқлар даражаси дейилади.

Сабр ҳукм жиҳатидан ҳам бир неча қисмга бўлинади:

1. Фарз.

Шариатда ҳаром ва ман қилинган нарсаларга сабр қилиш фарздир.

2. Нафл.

Макруҳ – ёқимсиз нарсаларга сабр қилиш нафлдир.

3. Ҳаром.

Шариат ман қилган сабрни қилиш ҳаромдир.

Мисол учун бир кишини бошқаси зулм юзасидан қўлини кесса ҳам сабр қилиб туриши ҳаромдир. Балки унга ўзини ҳимоя қилиши фарздир.

Шунингдек, маҳрам аёлларига тажовуз қилганларга рашк қилмай сабр қилмасан дейиш ҳам ҳаром.

4. Макруҳ.

Шариат маруҳ санаган томондан етган озорга сабр қилиб туриш макруҳдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сабрнинг ўлчови шариатга мувофиқ бўлиши керак.

ДОИМО САБР КЕРАК

Бандага бу дунёда учрайдиган барча нарсалар унинг ҳавойи нафсига мувофиқ келадиган ёки мувофиқ келмайдиган икки турга бўлинади. Банда буларнинг иккисидан ҳам сабрга муҳтож бўлади. Демак, банда барча ҳолатларда сабрга ҳожатманддир.

1. Ҳавойи нафсга мувофиқ келадиган сабр ҳақида сўз юритадиган бўлсак, сихат – саломатлик, молу дунё, обрў ва мансаб, ёру дўстларнинг кўплиги

каби нарсаларда бўлади.

Маълумки, мазкур нарсаларнинг барчаси дунёнинг лаззатбахш матоҳларидан ҳисобланади. Агар банда бу нарсалардан ўзини тиймаса, йўлдан урилиши ва туғёнга кетиши турган гап.

Аллоҳ таоло «Алақ» сурасида: «**Йўқ! Инсон, албатта, туғёнга кетур. Гар ўзини бой кўрса**», деган (5-6 – оятлар).

Баъзи орифлар: «Балога мўмин сабр қилади. Офиятларга фақатгина сиддиқ сабр қилади», деган.

Саҳобалар розияллоҳу анҳум: «Қийинчилик синовига учраганимизда сабр қилдик. Осончилик синовига учраганимизда сабр қила олмадик», деганлар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бандаларини мол, аҳли аёл ва болалар фитнасидан ҳазир бўлишга чақирган.

Энг яхши одам мазкур дунё матоҳларига берилиб кетишдан ўзини тийиб сабр қилган кишидир.

У дунё матоҳидан ўта хурсанд бўлиб кетмайди, уларга ружуъ қўймайди, маъйшатпарастликка берилмайди, ўйин – кулги, кўнгилхуши кетидан қувмайди, ҳавойи насфи иштаҳа қилган нарсаларда сабр қилади.

У ўзига берилган барча неъматларда Аллоҳ таолонинг ҳақини риоя қилади. Молидан инфоқ қилади. Бадани ила халойиққ ёрдам беради. Тили ила ростгўйликни тарқатади ва ҳоказо.

Ушбу турдаги сабр шакр билан чамбарчас боғлиқдир. У шукрсиз бўлмайди.

2. Ҳавойи нафсга мувофиқ келмайдиган нарсаларга сабр қилиш.

Бу хилдаги сабр уч қисмга бўлинади:

Биринчи қисм.

Тоат ва маъсиятга ўхшаш банданинг ихтиёрига боғлиқ нарсаларга сабр қилиш.

- Тоатга сабр қилиш оғир кечади. Чунки одатда нафс убудият – бандаликни эмас, рубубият – хожаликни иштаҳо қилади. Шунинг учун ҳам бар бир банданинг ўз қўл остидаги шахсларга нисбатан ўзини катта олишини кўрамиз.

Бас, убудият нафс учун мутлақо машаққатлидир. Сўнгра ибодатлардан баъзилари намозга ўхшаб дангасалик сабабидан ёқмайди. Баъзилари закотга ўхшаб бахиллик туфайли ёқмайди. Баъзилари ҳажга ўхшаб мазкур икки нарса сабабидан ёқмайди. Бас, тоатларга сабр қилиш қийинчиликларга сабр қилишдир.

Тоат қилувчи банда тоатига сабр қилиш учун уч ҳолатга ҳожати тушади.

Биринчиси тоатдан олдинги ҳолат бўлиб, унда ният ва ихлосни тўғрилаш, риёкорлик ва бошқа офатлардан ҳазир бўлишда сабр қилиш керак бўлади.

Ният ва ихлоснинг ҳақиқатини билганлар учун бу сабр энг қийин

сабрлардан биридир.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг «Худ» сурасида сабрни амалдан олдин келтириб: **«Магар сабр этган ва амали солиҳ қилганлар»**, деган (11 - оят).

Иккинчиси амал пайтидаги ҳолат бўлиб, унда банда амални бажариш давомида Аллоҳдан ғофил бўлмасдан охиригача суннат ва одобларини ўрнига қўйиб сабр ила бўлиши керак бўлади. Бу ҳам қийинлик билан юзага келадиган сабрлардандир.

Аллоҳ таоло «Анкабут» сурасида: **«Амал қилгувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши! Улар сабр қилган ва Роббиларигагина таваккул қиладиган зотлардир»**, деган (58 - 59 - оятлар).

Учинчиси амалдан кейинги ҳолат бўлиб, унда мақтанчоқлик ва риёдан ҳамда амалига манманлик ва миннатни арлаштиришдан тийилиш бўйича сабр қилиш керак бўлади. Бу ҳам қийин ишлардан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: **«Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, молини Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам кишиларга риё учун нафақа қилганга ўхшаб бекорга кетгазманг»**, деган (264 - оят).

- Маъсиятга сабр қилиш ҳам банданинг доимо ҳожати тушиб турадиган ишлардан бири.

Бу борадаги энг машаққатли иш одатга айланиб қолган маъсиятлар бўйича сабр қилишдир. Одат кишиларга сингиб кетган нарса бўлади. Агар одатга шаҳват қўшилиб қолса борми, шайтонинг навкарларидан икки навкар бирлашади ва уларни енгиш қийинлашади.

Шунингдек, маъсият қилиниши осон ишлардан бўлса, унга сабр қилиш ҳам душвор бўлади. Бунга ғийбат, ёлғон, риёкорлик, ўзини мақташ, озорли мазаҳ, ҳақорат каби тил маъсиятлари мисол бўлади олади. Булар катта маъсиятлар бўлса ҳам осон ишлар бўлгани учун кўп қилинади ва ўрганиб қолингани учун инкор ҳам қилинмайди. Гоҳида одамлар бир макуҳи танзиҳий ишни қилган одамни гуноҳи кабира қилгандан қаттиқроқ инкор қилишади, аммо у билан ўтириб олиб юқоридаги тил маъсиятларини тап тортмай, ҳузур ила қилишаверади.

Ким тилига кучи етмаса, у билан қилинадиган маъсиятларни қайтаришга сабри бўлмаса, узлат - ёлғизликни лозим тутиши вожибдир. Уни нажоти ёлғизликдан бошқада эмас.

Иккинчи қисм.

Мусибат ва фалокатларга ўхшаш банданинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган нарсаларга сабр қилиш.

Яқин кишиларнинг ўлими, мону мулкнинг ҳалокатга учраши, беморлик

етиши каби ишларга сабр қилиш ушбу қисмдадир. Бундай мусибат ва фалокатларга сабр қилиш сабрнинг олий мақомларидандир.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Қуръондаги сабр уч турлидир: Аллоҳ таолонинг фарзларига сабр қилиш. Унга юз даража берилади.

Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсаларга сабр қилиш. Унга олти юз даража берилади.

Мусийбатга биринчи зарба пайтида сабр қилиш. Унга тўққиз юз даража берилади», деганлар.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: **«Албата, Биз сизларни бир оз қўрқинч ва очлик билан, мол-мулкга, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга башорат бер. Улар мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз», дерлар. Ана ўшаларга Роббиларидан саловатлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар ҳидоят топганлардир»,** деган (155-157 - оятлар).

Қўрқинч деганда душмандан бўладиган хавф-хатар туйғуси тушунилади.

Қаҳатчилик ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган очарчилик ҳам Аллоҳ таолонинг бир нави синовидир.

Шунингдек, мол-мулкка, ўғри олиш, офат етиши ёки золимларнинг тажаввузи туфайли нуқсон етказиб, жонга, яқин кишиларни, ёр-биродар ва шерикларнинг ўлими, касаллиги билан нуқсон етказиб, меваларга офат етказиш, баракасини кетказиш билан нуқсон етказиш билан синаб кўрамиз, дейди Аллоҳ.

Бошга шундай синов келган, мусибат еган банда нима қилса яхши бўлади? Бу ҳақда Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб кўрсатма бермоқда:

«Ва сабрлиларга башорат бер. Улар мусибат етганда, «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз», дерлар».

Демак, мусибат етганда мусулмон киши сабрли бўлиши ва Жаноби Ҳақнинг Ўзи ўргатган дуони қилиши керак.

Бу дуо Қуръон тилида: **«Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун»,** деб талаффуз этилади. Буни айтишни қисқача «истиржоъ» дейилади. Эътибор қилинса, истиржоъда улкан маъно ётибди.

«Албатта, биз Аллоҳникимиз», яъни, барчамиз, бор-будимиз Аллоҳники, ҳақиқий эга Унинг Ўзи. Нимани, қачон, қандай тасарруф қилишни Ўзи билади.

«Ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз», яъни, эртами-кечми барибир, Унга қайтишимиз бор. Бизга етиб турган мусибат ҳам Унинг Ўзидан. Биз сабр қилишимиз лозим ва шундай қиламиз ҳам. Шу боис истиржоъга кўп-кўп

савоблар ваъда қилинган.

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Бир куни Абу Салама Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларидан келди-да, Пайғамбар алайҳиссаломдан бир гап эшитиб жуда хурсанд бўлдим, у киши: «Мусулмонлардан бирига мусибат етганда истиржоъ айтса ва сўнгра **«Аллаҳумма ажирни фи мусийбати вахлуф ли хойром-минҳа»** (маъноси: эй Аллоҳ, менга мусибатимда ажр бергин ва унинг ўрнига яхшироғини бергин) деса, айтгани бўлади», дедилар, деб айтди.

Буларни мен ёдлаб олдим. Абу Салама вафот этганида, истиржоъ айтдим ва ҳалиги дуони ўқидим. Сўнгра ўзимча, менга Абу Саламадан яхшироқ эр қайда, дедим.

Иддам чиққандан сўнг Расулуллоҳ келиб киришга изн сўрадилар. Тери ошлаб ўтирган эдим, қўлимни ювиб, киришларига изн бердим. У кишига ичига хурмонинг юшоқ қобиғи тўлатилган тери ёстиқ бердим. Ўтирганларидан сўнг, менга уйланмоқчи эканликларини айтдилар.

У киши гапларини тугатгач, мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизга рағбат қилмаслигим мумкин эмас, лекин мен жуда рашкчи аёлман, сизга ёқмайдиган нарса мендан содир бўлиб, Аллоҳнинг азобига дучор бўлмай, деб қўрқаман. Сўнгра ёшим катта бўлиб қолди, бунинг устига, болаларим бор», дедим.

Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Сен айтган рашкни Аллоҳ тезда кетказди. Ёш тўғрида гапирсанг, менинг ҳам ёшим бир ерга бориб қолди. Болаларинг бўлса, улар менинг ҳам болаларим», дедилар...

Аллоҳ менга Абу Саламанинг ўрнига ундан яхши зотни – Расулуллоҳни берди». Аҳмад ривоят қилган.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло, эй ўлим фариштаси, сен бандамнинг фарзандини, кўзининг қорачиғини, қалбининг самарасининг жонини олдингми», дейди.

Фаришта «Ҳа», дейди.

Аллоҳ «У нима деди», деб сўрайди.

Фаришта «Сенга ҳамд ва истиржоъ айтди», дейди.

Шунда Аллоҳ таоло «Жаннатда унга бир уй бино қилинлар ва «Ҳамд уйи», деб номланлар, дейди», дедилар». Термизий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангизнинг оёқ кийими ипи узилса ҳам, истиржоъ айтсин. Чунки у ҳам мусибатлардан», дедилар». Баззор ривоят қилган.

Демак, каттаю кичик ҳар бир кўнгилсиз ҳодисада сабр керак. Кўзининг қорачиғи, жигарбанди, боласи ўлганда ҳам, оёқ кийимининг ипи узилганда ҳам. Мусибат етгандан кейин дарҳол итсиржоъ айтиб, сабр қилиш керак, ҳамма нарса Аллоҳники ва бари Аллоҳга қайтади, деган эътиқодни маҳкам тутиши керак.

Учинчи қисм.

Ўзига озор бергандан интиқом олишга ўхшаш келиши ўзига боғлиқ эмас, аммо кетиши унинг ихтиёрида бўлган нарсаларда сабр қилиш.

Мисол учун бандага биров томонидан гап, ҳаракат ёки унинг жони ёки молига қарши жиноят қилиш ила озор етказилганда, жавоб чораси кўришга қодир бўла туриб сабр қилиш.

Аллоҳ таоло «Иброҳим» сурасида: **«Нима учун биз Аллоҳга таваккал қилмас эканмиз?! Ҳолбуки, У бизни йўлимизга ҳидоят қилди. Бизга берган озорларингизга, албатта, сабр қиламиз. Таваккал қилувчилар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар»**, дедилар», деган (12 – оят).

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида: **«Албатта, молу жонда синовга учрайсиз. Албатта, сиздан олдин китоб берилганлардан ва ширк келтирганлардан кўплаб озор эшитасиз. Агар сабр қилсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, бу салмоқли ишлардандир»**, деган (186 – оят).

Аллоҳ таоло «Муззаммил» сурасида: **«Ва уларнинг гапларига сабр қил ва улардан чиройли четлашла, четлаб тур»**, деган (10 – оят).

Аллоҳ таоло «Наҳл» сурасида: **«Агар иқоб қиладиган бўлсангиз, ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг. Агар сабр қилсангиз, албатта, у сабр қилгувчилар учун хайридир. Сабр қил, сенинг сабринг фақат Аллоҳ ила бўлур. Улар(ҳоли)га хафа бўлма. Улар қилаётган макрдан сиқилма»**, деган (126 – 127- оятлар).

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тақсим қилдилар. У зот баъзи тақсимларига ўхшатиб тақсим қилдилар. Шунда ансорлардан бир киши: «Аллоҳга қасамки, бу тақсимлашда Аллоҳнинг розилиги ирода қилинмади»*, деди. Бас, мен *«Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар бераман»* дедимда у зотнинг ҳузурларига бордим. У зот ўз саҳобалари билан эканлар. Мен у зотга у айтган гап ҳақида сир равишда хабар бердим. Бу у зотга оғир ботди. У зотнинг юзлари ўзгариб, ғазаблари чиқиб

кетди. ҳатто мен «у зотга хабар бермасам бўлар экан» дедим. Сўнгра у зот: «Аллоҳ Мусони раҳмат қилсин! У бундан ҳам кўпроқ озор еб сабр қилган эди», дедилар. Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.

САБР ДАВОСИ ҲАҚИДА

Сабр қилиш қийин ва машаққатли бўлса ҳам илм ва амал қоришмасидан унинг маъжунини тайёрласа бўлади. Зотан, қалбнинг барча хасталикларига худди шу икки нарса, илм ва амал қоришмасидан даво тайёрланади. Аммо ҳар бир беморлик учун алоҳида илм ва алоҳида амал керак.

Сабр турли қисмларга бўлингани каби уни ман қилувчи иллатлар ҳам турли тумандир. Иллатнинг турига қараб иложнинг тури ҳам ўзгаради.

Бу ишнинг батафсил баён қилиш чўзилиб кетишини эътиборга олиб, қисқа бир мисол билан кифояланамиз.

Дейлик, бировнинг жинсий шаҳвати ғолиб келиб, ундан сабр қилишга эҳтиёжи тушиб қолди. Фаржини зинодан тийишга қийланмоқда ёки фаржини тийса ҳам, кўзини тийя олмаяпти. Кўзини тийса ҳам қалбини ва нафсини тийя олмаяпти. Нафси уни шаҳватга оид нарсаларни эсига солиб, зикр, фикр ва солиҳ амаллардан қолдирмоқда.

Сабр ўзи диний малаканинг ҳавойи нафс билан кураши эканини яхши биламиз. Икки курашчидан қай бири ғолиб келишини истасак ўшани қувватлаб қарши тарафни заифлаштиришга ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Демак, диний омилни қувватлашга ва ҳавойи нафсни кучсизлантиришга уринишимиз шарт.

Диний омилни қувватлаш икки хил йўл билан бўлади:

Биринчиси мазкур одамга ҳавойи нафсга қарши курашишнинг бу дунё ва охиратдаги фойда ва самараларидан умидвор қилишдир. Бунда унга сабрнинг фазли ва унинг оқибати икки дунёда яхшилик эканини яхшилаб англатиш билан бўлади.

Бу маърифий малака бўлиб иймонга боғлиқ бўлади ва гоҳида кучланиб, гоҳида заифдашиб туради. У кучланганда диний омил ҳам кучланади ва заифлашганда диний омил ҳам заифлашади.

Иккинчиси диний малакага ҳавойи нафсга қарши курашишни одатлантириш йўлидир. Бир нарсани кўп такрорлаш ила кишида ўша ишни адо этишга қувват ва маҳорат ортиб боради. Ўша ишни такрорлаб турмаганларда қувват ҳам, маҳорат ҳам бўлмайди. Юкчи ва деҳқонларнинг аттор ва ўқитувчиларда кучли бўлишлари ҳам шундан.

Бу ишда кучли бўлиш учун икки хил ишни амалга қўйиш керак. Аввало

одамга адо этиладиган фазилатли ишнинг ортидан келадиган яхшиликларни такрор ва такрор эслатиб, ваъдаларни бериб туриш керак. Қолаверса, болаларни ёшликдан ҳавойи нафсга, шаҳватга қарши курашиш руҳида атрофлича тарбиялаб ўстириш лозим.

Жинсий шаҳватни заифлаштириш эса уч хил йўл билан амалга оширилади

1. Аввало шаҳватни кучлантирувчи озиқ – овқат маҳсулотларига назар соламиз. Уларнинг турлари ва миқдорини ўрганамиз. Кейин даволанаётган одамга рўза тутишни буюрамиз. Унга ифтор вақтида мазкур шаҳватни кучайтирувчи таомларни тановул қилмасликни амр қиламиз.

2. Жинсий шаҳватнинг қўзилишига сабаб бўладиган омилларни йўқатамиз. Мисол учун шаҳватни қўзитадиган нарсаларга назар солишнинг олдини оламиз.

Аллоҳ таоло: **«Сен мўминларга айтгин! Кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Мана шу улар учун покроқдир. Албатта, Аллоҳ нима қилаётганларидан ўта хабардордир. Ва мўминаларга айтгин! Кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар»**, деган.(Нур: 30-31-оятлар)

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: *«Назар иблиснинг захарланган ўқларидан бир ўқдир. Бас, ким уни Аллоҳдан қўрқиб тарк қилса, У зот жала ва азза унга ҳаловатини қалбида топадиган иймон ила мукофатлайди»*, дедилар».

Тобароний ва ал - Ҳоким ривоят қилган.

3. Энг яхшиси шаҳватни ҳалол йўл – никоҳ йўли билан қондиришга шароит яратишдир.

Бошқа сабрга муҳтож бўлинадиган ҳолатларда ҳам шунга ўхашаш иш тутилади. Ҳар бир муаммони турли йўлларни ишга солиб, атрофлича муолажа қилишга ҳаракатда бўлинади.